

Патент бўйича тўловни иш учун патент олиш муддатида олдиндан 12 ой учун тўлаб қўйиш мумкин.

! Тўловни тасдиқлайдиган чекларни албатта ўзингизда сақланг.

Патент олганингиздан кейин 2 ой давомида Сиз Россия ИИБ ББ Муҳожирлик масалалари бошқармасига иш берувчи – ҳуқуқий шахс ёки хусусий тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномаси нусхасини юборишингиз зарур.

Иш учун патентни 1 мартадан кўп эмас ва 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш мумкин.

! Ишлаш учун патент бўйича олдиндан тўланадиган солиқни тўлаш муҳожирлик қайдини узайтириш зарурятини йўқота олмайди! Ўз қайдингизни иш учун патент тўлови асосида ва даврида узайтиришни унутманг!

Патент унда кўрсатилган амал қилиш муддати ва ихтисос бўйича ўша минтақада бўлиш имконини беради. Патентнинг амал қилиш муддати тугагач, РФ ҳудудидан чиқиб кетиш зарур.

Сиз шунингдек иш учун патентни қайта расмийлаштиришингиз мумкин. Бунинг учун унинг муддати тугашига 10 кун қолишига кечиктирмасдан ариза ёзиш зарур. Бунинг учун патентни узайтириш борасидаги ариза билан Россия ИИБ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига мурожаат этиш зарур.

Патент йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда, Сиз Россия ИИБ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига патент дубликатини бериш борасидаги ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Аризага илова қилиш зарур: паспорт ва паспорт нусхаси, муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси, патент учун тўлаганликка оид ҳужжатлар (чеклар ёки тўлов квитанциялари).

МУҲИМ АЛОҚАЛАР

Россия ИИБ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқарма:

Москва шаҳри бўйича: 8 (495) 587-07-87, <https://77.мвд.рф/ms>; Москва вилояти бўйича.: 8 (926) 224-74-28, <https://увм.50.мвд.рф/>;

Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича: 8 (812) 573-37-22, 8 (812) 573-30-02, <https://78.мвд.рф/ms>.

Кўп вазифали муҳожирлик марказлари

Москва ш.: 8 (495) 777-77-77; <https://mc.mos.ru/ru>; Москва вилояти: 8 (926) 956-33-33; <http://emcsmo.mosreg.ru>

Санкт-Петербург ш. ва Ленинград вилояти: 8 (812) 318-01-22; <http://spb.pvsmvd.ru>

Давлат хизматлари кўрсатиш кўп вазифали марказлари (МФЦ)

Москва ш.: 8 (495) 777-77-77; <https://md.mos.ru/>; Москва вилояти: 8 (800) 550-50-30, <https://uslugi.mosreg.ru>

Санкт-Петербург ш.: 8 (812) 573-90-60; <https://gu.spb.ru/mfc/>; Ленинград вилояти: 8 (800) 500-00-47, <http://mfc47.ru>

ФГУП «Почта России»

Қўллов хизмати: 8-800-2005-888, www.pochta.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Тошкент шаҳар «Истиқболли Авлод» ижтимоий-ахборот маркази 100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Катта Миробод к, 4-проезд, 22-уй
Тел/факс: +998 71 254-12-87 Мунтазам тармоқ: +998 95 143-94-94
Наманган: +99895 301 94 94 Урганч: +99899 509 94 94
Нукус: +99895 605 94 94 Тошкент: +99895 143 94 94
iatashkent2014@gmail.com Сайт: <http://ia.uz/>

Тожикистон Республикаси

«Центр по правам человека» Ижтимоий ташкилоти

Бош идора

734000, Тожикистон Республикаси,
Душанбе ш. Валамадзода к. 8/1, кв.30
+992 37 227-51-87, +992 918 67-96-06

Юрист қабулхонаси: +992 93 300 13 93 Сайт: www.muhojir.info

Viber даги алоқа: muhojir.info E-mail: hrc.tajikistan@gmail.com

«Ғамхори» Ижтимоий ташкилоти

Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти,
Бохтар (Қўрғонтепа) ш., Космонавтлар к., 42/46.
+992 918 88-61-88 E-mail: bahodur9166@mail.ru

Қирғизистон Республикаси

«Ресурсный центр для пожилых» Ижтимоий ташкилоти

Бишкек: +996 770 89-18-06, kyrgyzstan.rce@gmail.com

ҚРдаги муҳожирлик масалаларига оид маҳаллий ижтимоий кенгашлар (МИК):

1. Иссиқкўл вилояти, Қоракўл ш, Ленин к. 152

+996 778 013216; +996 704 013216

2. Талас вилояти, Талас ш., Бердике Ботир к, 198-уй, 5-х.

+996 556 600 295

3. Жалолобод вилояти, Багиш қ. Гагарин к. 60

+996 552 663122; + 996 772 663122

ОФ «Центр Содействия Международной защите»

Қирғизистон Республикаси, Ўш ш, Мичурин к. 9.

+996 3222 44-9-60, +996 3222 44-0-69

center.sip@gmail.com Сайт: www.csip.kg

ҲОЙДАЛИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ

migrussia.ru - «Мигранты и миграция. Межрегиональный информационный портал»: мослашиш ва ҳуқуқий кумак олиш борасидаги маслаҳатлар

МигрАзия+ – меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари — ЕОИХ ва МДХ фуқаролари учун мобил илова (Android учун)

Миграционный учет и получение патента (на узбекском языке)

Буклет разработан БФ «ПСП-фонд»

Авторы-составители: Якимов А.Н., Хлызова Д.В.

Тираж 2000 экз.

Публикация подготовлена в рамках проекта «Развитие сотрудничества некоммерческих организаций России и Средней Азии, направленного на адаптацию и интегрирование мигрантов в правовое и культурное поле Российской Федерации», реализуемого с использованием гранта Президента Российской Федерации на развитие гражданского общества, предоставленного Фондом президентских грантов.



ФОНД
ПРЕЗИДЕНТСКИХ
ГРАНТОВ



БФ «ПСП-ФОНД»

Муҳожирлик қайди

Ишлаш учун патент олиш

Меҳнат
муҳожирига ёрдам

2019

МУҲОЖИРЛИК ҚАЙДИГА ҚҮЙИШ

Агар Сиз чет эл фуқароси бўлсангиз ва Россияга келган бўлсангиз, борган жойингизда **7 иш кун** давомида **кечиктирмасдан муҳожирлик қайдида (регистрациядан ўтиш) туришингиз зарур** (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон) фуқаролари – **30 кунда**, Тожикистон фуқаролари учун – **15 кунда**).

Муҳожирлик қайдида амалда Сиз яшаётган ва ишлаётган минтақада туриш зарур.

! **Муҳожирлик қайдида амалда яшаётган жойда ўтишингиз зарур, йўқса, Сизни муҳожирлик тартибини бузганлигингиз учун жавобгарликка тортишлари ва жарима солишлари мумкин.**

Чет эллик фуқарони муҳожирлик қайдига қўйиш ишини Сизга турар жой берадиган **Қабул қилувчи томон амалга оширади**, У қуйидагилар бўлиши мумкин:

- РФнинг Сизнинг минтақангизда доимий қайдга олинган РФ фуқароси;
- РФ ҳудудида доимий яшовчи чет эллик фуқаро;
- юридик шахс: ташкилот- иш берувчи, меҳмонхона.

Сизга қуйидаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари зарур:

- паспорт;
- муҳожирлик картаси;
- ихтиёрий тиббий суғурта полиси,
- турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (масалан, турар-жой ижараси шартномаси).

Муҳожирлик қайдида қандай турилади:

1) Чет эллик фуқаронинг турар жойига етиб келганлиги ҳақидаги махсус билдирув варақасини **тўлдириш**. Уни www.mvd.rf манзилдан кўчириб олиш мумкин (муҳожирлик соҳасидаги давлат хизматлари бўлимида «Муҳожирлик қайдини амалга ошириш» бўлимини танлаб), ёки бепул олиш мумкин.

- Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси ҳудудий бўлимларида;
- давлат хизматлари кўрсатиш кўп вазифали марказларида (МФЦ);
- ФГУП «Почта России» бўлимларида.

Билдирувнинг ҳар икки қисмида келган жойингиз манзилини, қабул қилувчи томонга оид шахсий маълумотлар ва чет эл фуқаросига оид шахсий маълумотларни кўрсатиш зарур. Қабул қилувчи томон – жисмоний шахс вараққа имзо чекади, ташкилот – раҳбар имзосини қўйиб, муҳр босади.

2) Билдирувни барча ҳужжатлар нусхалари билан ФГУП «Почта России» орқали Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига **жўнатиш**.

Билдирувни Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси бўлимларида МФЦ орқали бепул жўнатиш

мумкин. МФЦ ходимлари Сизнинг билдирувингизни Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармага бепул **жўнатишади**.

3) Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси, МФЦ ёки ФГУП «Почта России» ходимларидан қабул қилганлик ҳақидаги белги қўйилган қирқиб **олинган** варақни олинг ва ўзингизда сақланг.

! **Ишга жойлашгандан сўнг муҳожирлик қайдини меҳнат шартномасига кўра (ЕОИХ фуқаролари учун) ё тўланган меҳнат патентига мувофиқ мунтазам равишда узайтириб туриш зарур!**

! **Агар Сиз муҳожирлик қайди қондасини бузсангиз, Сизни 5 мингдан 7 минг рублгача жаримага тортишлари, балки Россиядан чиқариб юборишлари ва унга келишга 5 йиллик таъқиқ қўйишлари мумкин (РФ МХ Кодексининг 18.8 м. 3-қ ва 19.27-м. 3-қ).**

ИШГА ПАТЕНТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

МДХ мамлакатлари фуқаролари (ЕОИХ - Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон фуқароларидан ташқари) ишлаш учун патент расмийлаштиришлари зарур.

! **Патентни расмийлаштириш учун ҳужжатларни РФга келган вақтдан бошлаб 30 кунгача топшириш зарур, йўқса, 10000 дан 15000 рублгача жарима тўлашга тўғри келади**

! **Фақат патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишлаш мумкин (Москвада патент олиб, ҳар қандай ихтисос бўйича ишлаш мумкин).**

Кўрсатилган ихтисос бўйича ишламасангиз, Сизни 4000дан 7000 рублгача жаримага тортишлари мумкин.

Патент фақатРоссия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқарма бўлимлари томонидан расмийлаштирилади ва у фақат РФнинг иш учун расмийлаштирилган минтақасида амал қилади.

Диққат қилинг: Москва, Москва вилояти, Санкт-Петербург, Ленинград вилояти –булар бошқа-бошқа минтақалар!

Патент учун ҳужжатлар фақат **ШАХСАН** топширилади. Патент ариза ва зарур ҳужжатлар топширилгач, 10 кун давомида расмийлаштирилади.

Ҳар бир минтақада патентни расмийлаштириш учун қабул қилиш ҳуқуқи бўлган фақат битта ташкилот бор:

- **Москвада** – Кўп вазифали муҳожирлик маркази
- **Москва вилоятида** –Москва вилояти бўйича Ягона муҳожирлик маркази
- **Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича** – Россия ИИВнинг ФГУП «Паспортно-визовый сервис» и.

Патентни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

- патент бериш учун ариза (ариза варағини ва уни тўлдириш намунасини Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси бўлимларида ёки <https://yvm.mvd.rf>

сайтнинг «Осуществление миграционного учета» бўлимидан бепул олиш мумкин);

- паспорт ва паспорт нусхаси;
- 3x4 рангли, ялтироқ бўлмаган фото;
- муҳожирлик қайди (регистрация)га қўйилганлик ҳақидаги билдирув ва унинг нусхаси;
- паспортнинг нотариал жиҳатдан рус тилидаги таржимаси – таржимон мавжуд бўлган нотариал идорада қилинади;
- кириш мақсади «иш» деб кўрсатилган ва кириш ҳақида тамға қўйилган муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси;
- тиббий ҳулоса ва ВИЧ-инфекции йўқлиги ҳақидаги сертификат – тиббий кўриқдан сўнг махсус тиббий муассасада расмийлаштирилади;
- **Тожикистон фуқаролари** шунингдек 086 формасидаги маълумотномани беришлари зарур.
- ихтиёрий тиббий суғурта полиси (ИТС-ДМС);
- рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги асосларини билишини тасдиқловчи ҳужжат: СССР ҳудудида 01.09.1991 йилгача ёки Россия ҳудудида 01.09.1991 йилдан сўнг ўқув муассасасини тугатганлик ҳақидаги ҳужжатнинг асли ёки рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги асосларини билишини аниқлаш (тест)дан ўтганликка оид сертификат.

Тестдан ўтиш ва унга мустақил тайёрланишга Сизга «Российский тестовый консорциум»нинг <http://testcons.ru> сайти ёрдам беради. Сиз синов тестидан ўтишингиз ва билимингиз даражасини яхшироқ аниқлаб олишингиз мумкин.

- патент бўйича солиқ тўловини тўлаганлик ҳақидаги квитанция (НДФЛ), Москвада 5000 руб ҳажмида, Москва вилоятида 4750 руб, Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятида 3800 руб. Тўлов Россия ИИВ ББнинг барча реқвизитлар бўйича бўлимларида расмийлаштирилади.

Ишлаш учун патентнинг ҳақиқийлигини Сиз Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасини <https://yvm.mvd.rf> расмий сайтида, «Сервисы по вопросам миграции» - «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун ишга рухсат ва патентларнинг ҳақиқийлигини текшириш» бўлимида **текширишингиз мумкин.**

ИШ УЧУН ПАТЕНТ ТЎЛОВИ

Навбатдаги ҳар ой учун олдиндан тўланадиган солиқ (НДФЛ) тўлашда, патент ҳақ тўланган муддат учун автоматик тарзда узайтирилади. Ойлар ҳисоби патентда кўрсатилган ишлаш учун рухсат олинган санадан бошланади. Тўлов ҳар бир тўланган иш ойи тугашига 1 кун қолишига кечиктирилмасдан тўланади.

! **Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, патент фаолияти тўхтайд.**